



НОТУРАР ВА ЯШАШ УЧУН МЎЛЖАЛЛАНМАГАН ЖОЙЛАРДА ЯШОВЧИ ЕТИМ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ТУРАР ЖОЙ БИЛАН ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ, ИНСТИТУЦИОНАЛ ҲАМДА АМАЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ (МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ТАЖРИБАСИ)

Худайберганова Дилором Зафаровна

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.18494315>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 01-fevral 2026 yil
Ma'qullandi: 03-fevral 2026 yil
Nashr qilindi: 05-fevral 2026 yil

KEYWORDS

собиқ тарбияланувчилар,
турар жой ҳуқуқи,
ижтимоий ҳимоя, "Меҳр
дафтари", давлат
жамғармалари, ижтимоий
интеграция, институционал
механизм.

ABSTRACT

Мазкур мақолада оилавий болалар уйлари, меҳрибонлик уйлари, болалар шаҳарчалари ҳамда "SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллалари" тизимида тарбияланган собиқ битирувчиларни турар жой билан таъминлаш масаласи илмий-ҳуқуқий ва амалий жиҳатдан комплекс таҳлил қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 декабрдаги Тошкент шаҳри Учтепа туманига таширифи якунлари бўйича қабул қилинган 78-сон баён, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2023-2024 йилларга мўлжалланган Режа-дастури асосида жорий этилган янги механизмлар тадқиқ этилади. Тадқиқот натижалари нотурар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларда яшовчи, ўз вақтида давлат томонидан турар жой билан муносиб таъминланмаган ҳамда ижтимоий жиҳатдан муҳтож 30 ёшгача бўлган собиқ тарбияланувчиларни давлат жамғармалари ҳисобидан уй-жой билан таъминлаш тизимининг ижтимоий адолат, манзиллилик ва эҳтиёжга асосланган ёндашувни таъминлашга хизмат қилишини кўрсатади.

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими, асосан, уларнинг вояга етгунига қадар фаол амал қилади. Бироқ, оилавий болалар уйлари ва болалар муассасалари битирувчилари 18 ёшдан кейин, айниқса 23 ёшдан ошгач, ижтимоий ҳимоя тизимининг айрим кафолатларидан четда қолиб, турар жой масаласида жиддий муаммоларга дуч келмоқда.

Турар жой билан таъминланмаслик ушбу тоифадаги шахсларни ижтимоий хавф-хатар гуруҳига айлантириб, уларнинг меҳнат бозорига кириши, оила қуриши ҳамда жамиятга тўлиқ интеграциялашувига салбий таъсир кўрсатади. Шу боис мазкур муаммони ҳуқуқий, институционал ва амалий жиҳатдан ўрганиш илмий ва ижтимоий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 декабрь куни Тошкент шаҳри Учтепа туманига ташрифи доирасида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишнинг 78-сон баёни мазкур соҳада туб бурилиш нуқтаси бўлди.

Ушбу баёнга мувофиқ, нотурар ва яшаш учун мўлжалланмаган, санитария-гигиена, ёнғинга қарши ва техник талабларга жавоб бермайдиган жойларда истиқомат қилаётган оилавий болалар уйлари, меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари ва “SOS-болалар маҳаллалари” тизимида тарбияланган 30 ёшгача бўлган собиқ битирувчиларни 2023-2024 йиллар мобайнида истисно тариқасида янги турар жойлар билан таъминлаш вазифаси белгиланди.

Мазкур топшириқ Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Режа-дастур орқали амалга оширилиб, молиялаштириш манбаи сифатида “Меҳр дафтари” жамғармаси маблағлари белгиланди. Бу ҳолат ижтимоий ҳимоя сиёсатида эҳтиёжга асосланган ва инсон қадрини устувор қўювчи ёндашувнинг мустақамланишини англатади.

Шу ўринда қайд этиш лозимки, нотурар ва яшаш учун мўлжалланмаган, санитария-гигиена ҳамда техник талабларга жавоб бермайдиган жойларда истиқомат қилаётган тарбияланувчилар муаммоси айнан Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг ташаббуси билан кўтарилиб, давлат даражасида кўриб чиқилиб, тегишли чоратадбирлар белгиланишига имкон яратган устувор ижтимоий масала сифатида эътироф этилди.

Топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ҳудудларида тегишли давлат органлари ва идоралари вакиллари билан иборат ҳудудий ишчи гуруҳлар шакллантирилди.

Ушбу ишчи гуруҳлар томонидан собиқ битирувчиларнинг яшаш шароитлари комплекс тарзда ўрганилиб, уларнинг реал ижтимоий-маиший ҳолати ва турар жойга бўлган эҳтиёж даражаси баҳоланди.

Ўтказилган ўрганишлар натижасида маиший аҳволини яхшилашга эҳтиёжи мавжуд бўлган жами 261 нафар собиқ битирувчи аниқланди ҳамда мазкур рўйхат Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси хати орқали Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 мартда тасдиқланган Режа-дастурига мувофиқ, ушбу рўйхатдан 248 нафар собиқ битирувчини давлат жамғармалари ҳисобидан турар жой билан таъминлаш белгиланди, шу жумладан 2023 йилда 131 нафар, 2024 йилда эса 117 нафар шахсга турар жой ажратиш режалаштирилди (*Қолган 13 нафар собиқ битирувчи эса белгиланган мезонларга мувофиқ равишда, жумладан 10 нафарининг 30 ёшдан ошганлиги ва 3 нафарининг уй-жой олиш учун алоҳида навбатда турганлиги сабабли мазкур Режа-дастур доирасига киритилмади*).

Режа-дастур доирасида биринчи навбатда 29-30 ёшли собиқ битирувчилар учун турар жой харид қилиш белгиланди. Айниқса, Навоий вилоятидаги собиқ тарбияланувчиларга турар жой таъминлаш мақсадида “Меҳр дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан Республика бюджети асосида жами 10 млрд сўм миқдорда маблағ ажратилди.

Собиқ битирувчиларнинг ижтимоий ҳолатига оид таҳлил уларнинг турли ижтимоий гуруҳларга мансублигини кўрсатди, жумладан:

- 128 нафари фаолият юритиб, иш билан таъминланган;
- 20 нафари олий таълим муассасаларида тахсил олаётган;
- 71 нафари вақтинча ишсиз ҳолда;
- 32 нафари уй бекаси сифатида ижтимоий фаолият билан шуғулланмоқда;
- 8 нафари Қуролли Кучлар сафида ҳарбий хизматда;
- 2 нафари эса озодликдан маҳрум этиш жойида жазо ўтамоқда.

Ушбу маълумотлар собиқ тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳолати бир хил эмаслигини, турар жой билан таъминлаш масаласи эса уларнинг барчаси учун бирдек муҳим ижтимоий эҳтиёж эканлигини кўрсатади.

Юқоридаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, нотурар ва яшаш учун мўлжалланмаган, санитария-гигиена, ёнғинга қарши ва техник талабларга жавоб бермайдиган жойларда истиқомат қилаётган оилавий болалар уйлари, меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари ва “SOS-болалар маҳаллалари” тизимида тарбияланган 30 ёшгача бўлган собиқ тарбияланувчиларни турар жой билан таъминлаш бўйича жорий этилган механизм ҳуқуқий, институционал ва амалий жиҳатдан илмий асосланган ёндашув ҳисобланади.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу ижобий амалиёт орқали:

ижтимоий ҳимоя тизимида узлуксизлик таъминланди;

яшаш учун мўлжалланмаган жойларда истиқомат қилиш ҳолатларининг олди олинди;

ижтимоий адолат ва манзиллилик тамойилларини амалда қарор топишига эришилди.

Шу билан бирга, мазкур тажриба келгусида собиқ тарбияланувчиларни қўллаб-қувватлашда давлат жамғармаларидан фойдаланишнинг универсал моделини ишлаб чиқиш учун мустақкам илмий ва амалий асос бўлиб хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, 2023-2024 йилларда “Меҳр дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан собиқ тарбияланувчиларни истисно тариқасида уй-жой билан таъминлаш амалиёти Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя сиёсатида сифат жиҳатдан янги босқични бошлаб берди. Мазкур ёндашув оилавий болалар уйлари ҳамда меҳрибонлик болалар муассасалари битирувчиларини фақат тарбия даврида эмас, балки мустақил ҳаётга ўтиш босқичида ҳам давлат томонидан қўллаб-қувватлаш зарурлигини илмий жиҳатдан асослаб берди.

Мазкур илмий тадқиқотнинг янгилigi нотурар ва яшаш учун мўлжалланмаган, санитария-гигиена, ёнғинга қарши ва техник талабларга жавоб бермайдиган жойларда истиқомат қилаётган собиқ тарбияланувчиларни турар жой билан таъминлашга қаратилган давлат сиёсати механизмларининг ҳуқуқий, институционал ва амалий жиҳатдан комплекс таҳлил қилинганлигида намоён бўлади.

Илк бор 2023-2024 йилларда “Меҳр дафтари” жамғармаси маблағлари ҳисобидан истисно тариқасида амалга оширилган уй-жой билан таъминлаш амалиёти илмий таҳлил объекти сифатида ўрганилди.

Тадқиқотда болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги анъанавий ёш чекловларидан воз кечиб, эҳтиёжга асосланган ва ижтимоий заифлик мезонларига таянадиган ёндашувнинг ҳуқуқий асослари илмий жиҳатдан асослаб берилди. Ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан ўтказилган эмпирик ўрганиш натижалари асосида турар жой

билан таъминлаш механизмларининг ижтимоий адолат, манзиллилик ва шаффофлик тамойилларига мувофиқлиги очиб берилди.

Шунингдек, мақолада собиқ тарбияланувчиларни турар жой билан таъминлаш болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш сиёсатининг узлуксизлиги сифатида концептуаллаштирилиб, миллий ижтимоий ҳимоя тизими доирасида янги илмий ёндашув сифатида илгари сурилди.

Ушбу тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти уларнинг давлат ижтимоий сиёсатини такомиллаштириш, айниқса оилавий болалар уйлари ва меҳрибонлик болалар муассасалари собиқ тарбияланувчиларини турар жой билан таъминлаш механизмларини такомиллаштириш жараёнида қўлланилиши мумкинлигида ифодаланади. Тадқиқотда ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар ижтимоий ҳимоя, уй-жой сиёсати ва давлат жамғармалари фаолиятини мувофиқлаштиришда услубий асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

Мақола материаллари Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари томонидан эҳтиёжга асосланган қарорлар қабул қилишда фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, тадқиқот натижалари собиқ тарбияланувчиларни нотурар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойларда истиқомат қилиш ҳолатларини олдини олишга қаратилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда амалий қўлланма вазифасини бажаради.

Бундан ташқари, мазкур илмий иш хулосалари ҳуқуқшунослик, ижтимоий иш ва давлат бошқаруви йўналишларидаги илмий тадқиқотлар, магистрлик ва докторлик диссертациялари ҳамда ўқув-услубий материаллар тайёрлашда қўлланилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 13 декабрдаги Учтепа туманидаги йиғилиш баёни, 78-сон, Тошкент, 2022.
2. Миллий гвардия хати 1/1Е-329-сон, “Собиқ тарбияланувчиларнинг ижтимоий аҳволи тўғрисида”, Тошкент, 2023.
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 29 мартдаги Режа-дастури, “Собиқ битирувчиларни турар жой билан таъминлаш чоралари”, Тошкент, 2023.